

Ақийда дарслари (71-дарс). Ҳаж

Image not found or type unknown



15:47 / 03.02.2020 5458

«Ҳаж» арабча сўз бўлиб, луғатда «қасд қилмоқ» маъносини англатади. Уламолар таърифида эса: «Ҳаж – маълум вақтда, маълум маконда, маълум ибодатларни ният билан адо этишдир».

Ҳаж ибодати Ислом динининг беш рукнидан бири ҳисобланадн. Унинг фарзлигига Қуръони Каримнинг ўзи далилдир. Оли Имрон сурасида Аллоҳ таоло айтадики:

﴿الْعَلَمِينَ عَنِ عَنِ اللَّهِ فَإِنْ كَفَرُوا مِنْ سَبِيلًا إِلَيْهِ اسْتَطَاعَ مِنْ الْبَيْتِ حُجَّ النَّاسِ عَلَى اللَّهِ﴾

«Одамлардан йўлга қодир бўлганларга Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш фарз бўлади. Кимки куфр келтирса, бас, Аллоҳ оламлардан беҳожатдир» (97-оят).

Демак, ушбу ояти карима далолатига кўра, қодир кишиларга Аллоҳ учун Байтуллоҳни ҳаж қилиш фарздир.

Ҳажнинг фарзлиги Набийимиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннати мутоҳхараларида ҳам таъкид билан айтилган.

Ҳадис уламолари Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ислом беш нарсага бино қилинган: «Лаа илааҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ», деб шаҳодат бериш; намоз ўқиш; закот бериш; Рамазон рўзасини тутиш ва Байтуллоҳни ҳаж қилиш», деганлар.

Байтуллоҳни ҳаж қилиш беш рукндан бири эканлиги ушбу ҳадисдан очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Ҳаж шартларини ўзида мужассам этган ҳар бир мусулмонга умрида бир марта ҳаж қилиш фарздир. Намоз, рўза ёки закотнинг фарзлигини инкор қилган кимса кофир бўлганидек, ҳаж рукнини инкор қилган шахс ҳам диндан чиқади. Кимки имкони бўла туриб, ҳаж қилмаса, катта гуноҳ қилган бўлади.

«Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар» китобидан